



## Савол:

Агар соқол қўйиб, ёки ўстириб олса, ёки шимини тўпиғидан баланд кийиб юрса, албатта нияти суннатда мустаҳкам туриш бўлса ва агар Оллоҳ сақласин қамалиб кетса, оиласига зулм қилган бўладими? Суннатга амал қиламан деб, фарз амалларидан маҳрум қолган бўладими? Менга суннатда, Аллоҳнинг синови келгунча «Аллоҳу аълам» маҳкам туришим керакми ёки олдини олганим яхшими? Мен ўйлайманки, Аллоҳнинг хоҳишисиз ҳеч нарса бўлмайди суннатда мустаҳкам турган яхши...?

## Жавоб:

Ҳурматли биродар ҳаммамизнинг иймонимиз комилки, Аллоҳнинг изни ва хоҳишисиз бирор иш бўлмайди. Лекин Аллоҳ ҳар бир нарсага ўз хусусиятини бериб қўйган ва унинг бўлишини хоҳлайди. Бунинг истисно ҳолати тарихда бир икки бор бўлиши мумкин у ҳам бўлса мўжиза ёки каромат ҳосил бўлиши учун. Масалан, ўтнинг хусусияти куйдириш, Аллоҳ хоҳласа куяди деб юз минг сўм пулни олов устига улоқтирсак унинг куйиши табиий нарса. Демак, Аллоҳ ҳар нарсани кавний жиҳатдан хоҳлайди ва шунинг билан бирга уларга сабабларни ҳам яратиб қўйганки, биз уларни қилишимиз керак. Бу сабабларни эса ўзи бизга таълим берган. Бу таълимларнинг баъзисини фитрат-табиатимизга берилган бўлса, баъзиларини пайғамбарлар орқали берди. Ўтнинг иссиқлиги, музнинг совуқлиги, тошнинг қаттиқлиги, булар инсон ақли билан идроқ қила оладиган нарсалардир. Ҳалол-ҳаром, нимани қилса бўладию, нимани қилиш мумкин эмас, буларни пайғамбарлар орқали таълим берган.

Суннатда маҳкам тураман деб фарз амалидан маҳрум бўлиш айна



## Ислом Нури

жаҳолатдир. Бир фарзни адо этиш учун нафақат суннат гоҳида фарзни ҳам қурбон этилади. Масалан, жиҳод майдонида тўрт рақъатли фарз намознинг икки рақъати ташланади, қиблага юзланиш ҳам имкони бўлмаса ташланади, тик туриш ҳам имкони бўлмаса ташланади ва ҳоказо. Демак жиҳод фарзини адо этишда намоздаги бир неча фарзлар тарк қилинмоқда. Фарз учун суннатнинг тарк қилиниши авлороқдир.

Зарурат ҳолатларининг ўз миқдорлари бор.

“Агар соқол қўйиб, ёки ўстириб олса, ёки шимини тўпиғидан баланд кийиб юрса” ва шу сабаб қамалиб кетса, у нафақат оиласига балки ўзига ҳам зулм қилган бўлади. Чунки ислом дини жонни, молни, динни, номусни ва ақлни сақлашни фарз қилган. Буларни сақлаш учун баъзи нарсаларни қурбон қилинади. Сиз айтган сабабга кўра қамалган одам бу беш нарсанинг ҳаммасидан ҳам маҳрум бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

Сиз кўриб турибсизки атрофингиздаги мусулмонларни шакл-шамоилига қараб, секин аста биттадан олиб кириб камашмоқда, сиз бўлсангиз қани мени навбатим келадими ёки йўқ, деб ўтиришингиз нотўғри. Ақлингизни одилона ишлатинг, агар ҳақиқатда сизга зарар етиши аниқроқ бўлса унга қараб, ёки зарар етмаслиги аниқроқ бўлса унга қараб иш қилинг.

Масалан, шимни болдирнинг ярмигача эмас шундай тўпиқ устидан қилинг, жуда бўлмаса уларга ўхшаб тиззани тўсиб турадиган шўрт қийинг. Соқолни қай даражада қўйсангиз сизга зарар етмаслиги мумкин. Маслан, қомат қилиб қўйсангиз бировни сиз билан иши йўқ акс ҳолда иши бўлса, соқолингиз узун бўлса қомат қилиб олинг. Ёки қоматда ҳам зарар келадиган бўлсаю, бир хафта, ўн беш кун соқолини



## Ислом Нури

олмаган одамникичалик бўлса бировнинг иши бўлмаса, шунчалик қилиб олинг. Ёки, бетида жуни бўлсайла осилаверишадиган бўлса тагидан қириб ташланг, мўйлабни ҳам қиринг. Соқолни қириб мўйлабни қолдирманг, чунки соқолни қириб мўйлабни қолдириш оташпарастларнинг хислати, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан қайтарганлар. Юқорида айтилган мисоллардаги ҳолатларнинг қайси бири мумкин бўлса, ундан кейингисига ўтиш жоиз эмас. Демак, динни, жонни номусни (оила аъзоларингиз, аёлингиз ҳам номусга киради) ваҳоказоларни сақлаш учун баъзи нарсалардан ВАҚТИНЧА воз кечишимиз фарз экан.

Шуни ҳам эслатиб ўтамиз: Агар бу каби синовга тушган одам КАТТА имомлардан бўлса унинг орқасидан минглаб одамлар эргашиб юрган бўлса ва қилган амалида ҳам эргашадиган бўлсалар бундай инсонлар маҳкам туриб жонларини фидо қилишлари афзал (фарз эмас).

Яна бир эслатма: Аллоҳнинг ери кенг, ҳижрат қилиш қуёш то ботадиган томонидан чиқгунича амалда. Имконини қилган одам марҳамат қилиб, ибодатларини хотиржам адо эта оладиган юртларга ҳижрат қилсин. Кейинчалик юртида имкониятлар қайтса яна юртига келсин. Аммо ҳижрат қилишга қодир бўла туриб ҳижрат қилмаган одамларга Аллоҳнинг ушбу оятлари ҳам бор. **«Албатта Мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан ўзларига зулм қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» - деганларида. «Биз бу ерда ночор бечоралар эдик», дейдилар. (Шунда фаришталар): «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега динларингизни сақлаб қолиш учун бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» - дейишади. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай хунук оқибат у!.**



## Ислом Нури

**Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини излаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни Аллоҳ шояд афв этса. Аллоҳ афв этувчи, гуноҳларни кечувчидир» (Нисо:97-99).**

**«Эй иймон келтирган бандаларим менинг ерим кенгдир, менгагина ибодат қилинглар» (Анкабут:56).**

Имом Бағавий –роҳматуллоҳи алайҳи- айтдилар: бу оятнинг нозил бўлиш сабаби Маккадаги ҳижрат қилмаган мусулмонлар ҳақидадир. Шунга қарамасдан Аллоҳ уларга иймон исми билан хитоб қилган.

Ҳижратга суннатдан далил Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: «Тавба узилмагунча ҳижрат ҳам узилмайди. Тавба эса қуёш ўзининг ботадиған томонидан чиққунига қадар узилмайди».

Сизга ҳурмат ила ИНТ.